

С.Боймуродов  
Ф.ф.н., Қарши ДУ

**Аннотация.** “Демографик вазият” тушунчаси аҳолининг конкрет ижтимоий-тарихий даврдаги портретини, аҳолини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, мамлакатдаги демографик вазият аҳоли миқдори, таркиби ва жойлашувига қараб аниқланган. Мамлакат аҳолиси Тошкентдан ғарброкда ва шимоли-ғарбда тарқоқроқ жойлашган бўлса, Фарғона водийсида аҳоли зичлиги ниҳоятда юқорилиги, ёшлар мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил қилиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли салоҳияти анча салмоқли эканлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Демографик вазият, аҳоли миқдори, аҳоли таркиби, аҳоли жойлашуви, аёллар ва эркеклар миқдори, меҳнатга лаёқатли аҳоли.

**Аннотация.** Характер и состав демографической ситуации в Узбекистане. Понятие «демографическая ситуация» представляет собой портрет и положение населения в конкретный общественно-исторический период. С этой точки зрения демографическая ситуация в стране определяется численностью, составом и размещением населения. Проанализировано, что население страны в большей степени рассредоточено к западу от Ташкента и на северо-западе, но плотность населения чрезвычайно высока в Ферганской долине, молодежь составляет большую часть населения страны, а потенциал трудоспособного населения весьма значителен.

**Ключевые слова:** Демографическая ситуация, численность населения, структура населения, размещение населения, численность женщин и мужчин, население трудоспособного возраста.

**Annotatsion.** The nature and composition of the demographic situation in Uzbekistan.

The concept of "demographic situation" represents the portrait and situation of the population in a specific socio-historical period. From this point of view, the demographic situation in the country is determined by the size, composition and location of the population. It was analyzed that the population of the country is more scattered to the west of Tashkent and in the north-west, but the population density is extremely high in the Fergana Valley, the youth make up a large part of the country's population, and the potential of the working population is quite significant.

**Key words:** Demographic situation, population size, population structure, population location, number of women and men, working age population.

### Кириш.

Йигирманчи асрга охирига келиб кишилик жамиятидаги демографик вазият анча кескинлашди. Хусусан, жаҳон аҳолисининг миқдорий ўсиши (бу ҳол кейинги йилларда бирмунча пасайган бўлсада) кузатилмоқда. Ушбу жараён ривожланган ва ривожланмаган мамлакатларда турлича суръатларда содир бўлмоқда. Айни пайтда барча мамлакатларда аҳоли таркибий тузилиши мураккаблашиб бораётир. Ёшлар ва кексалар, эркеклар ва аёллар ўртасидаги мутаносиблик шиддат билан ўзгармоқда. Аҳоли жойлашуви билан боғлиқ жараёнлар ҳам эътиборни тортмасдан қолмайди. Мамлакат бўйлаб аҳолининг нотекис жойлашиши, миграция қўламининг кенгайиши тенденциявий характер касб этапти. Бу жараёнлар мамлакатимиз ҳаётида ҳам у ёки бу тарзда кўзга ташланаяпти. Бундай ўзгаришлар

натijasida demografik vaziyat jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va ma'naviy soxalariga ta'sir etkazatgan omilga aylanib bormoqda. Shu boisdan Ўzbekistonдаги demografik vaziyatning ўziga хос хусусиятларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотчилар “демографик vaziyat” тушунчасига турли назарий-методологик позициядан таъриф беришга уриниб кўрдилар. Илмий манбаларда келтирилган таърифларнинг ўзига хос томони шундаки, уларнинг барчасида demografik vaziyatning у ёки бу аспектига, элементига алоҳида эътибор берилади. Адабиётларда энг кўп учрайдиган таъриф қуйидагича: demografik vaziyat – “аҳоли тараққиётига доир умумий тенденцияларнинг, муттасил алмашилиб боровчи demografik ҳолатлар изчиллигининг, аҳоли қайта ишлаб чиқарилишига доир асосий қонуниятларнинг ифодасидир”.[8.104] Йирик демограф А. Квашанинг таърифи ҳам шунга ўхшаб кетади: “Демографик vaziyat - демографик жараёнларни, аҳолининг маълум даврдаги, аниқ бир йилдаги таркиби ва жойлашишини, аҳоли тараққиётига доир узок муддатли тенденцияларни ифодаловчи тушунчадир. Бу тушунча одатда бирор бир мамлакатга ёки унинг бўлагига нисбатан ишлатилади.”[7.409]

Таниқли географ А. Алексеев эса demografik vaziyatни ўтмиш ва келажак тенденцияларини назарда тутмаган ҳолда аниқлашга интилади. Унинг фикрига кўра, “демографик vaziyat – бу маълум ҳудудда юзага келган туғилиш, ўлиш ва миграцион ҳаракат мутаносиблиги бўлиб, бу мутаносиблик аҳолининг шу даврдаги жинс ва ёшга кўра таркибини ва миқдори динамикасини юзага келтиради.”[1.109]

Тадқиқотчиларнинг барча мулоҳазалари диққатга сазовор албатта. Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу мулоҳазаларда “демографик vaziyat” ва “демографик ўзгариш” тушунчалари қўшилиб кетгандек туюлади. Гап шундаки, “демографик vaziyat” тушунчаси аҳолининг конкрет ижтимоий-тарихий даврдаги портретини, аҳолини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, demografik vaziyat аҳоли миқдори, таркиби ва жойлашувига қараб аниқланади. Кўриниб турибдики, demografik vaziyatning уч таркибий компоненти мавжуд.

Фалсафа назариясидан маълумки, системанинг умумий хоссалари элементда ҳам мавжуд бўлади, шунинг билан бир қаторда элемент фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлиши ҳам мумкин. Аини пайтда элементнинг ўзи ҳам системадир, яъни у ўз таркибий компонентлари ва улар ўртасидаги оригинал боғланиш, ўз ривожланиш мантиғига эга. Жаҳондаги (система) ва Ўzbekistonдаги (элемент) demografik vaziyat ўртасидаги алоқадорлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зотан, Ўzbekistonдаги demografik vaziyat аҳоли миқдори, таркиби ва жойлашишига кўра қатор тақдорланмас хусусиятларга эга. Лекин мамлакатдаги demografik ўзгаришларнинг айрим тенденциялари жаҳондаги demografik тенденцияларга монандир. Ўzbekistonдаги demografik vaziyatning таркибий компонентлари (аҳоли миқдори, таркиби ва жойлашуви) таҳлили ҳам шундан далолат беради.

Ўzbekiston Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2023 йилнинг 1 апрелида Ўzbekistonнинг доимий аҳолиси 36 миллион 197 минг 788 кишини ташкил этган.[10] Асрлар давомида Ўzbekiston ҳудудидаги аҳоли миқдори катталиги билан ажралиб келган. Бунинг қатор объектив сабаблари мавжуд, албатта. Хусусан, мамлакат ўзига хос географик ва табиий-иқлим шарт-шароитларига эга. Боз устига, Ўzbekiston табиий ресурслар ва энергия захирастарига бой мамлакатлар туркумига киради. Йирик мегаполисларнинг мавжудлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун қулай

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-5, ISSUE-6

Бўлган шароитлар, мамлакат ҳудудидан Буюк ипак йўлининг ўтиши, ижтимоий-тарихий жараёнлар – буларнинг барчаси аҳоли миқдорининг мудом катта бўлишига сабаб бўлган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон аҳоли сони бўйича МДХ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринни, Марказий Осиё мамлакатларида эса биринчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон аҳолиси ўз миқдorigа кўра қарийб Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг умумий сонига етади.

Ўзбекистон аҳолисининг таркиби, умумжаҳон демографик тенденцияларидан фарқли ўларок, бирмунча барқарор характерга эга. Масалан, эркаклар ва аёллар миқдори орасидаги мутаносиблик оптимал хусусият касб этган. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 2022 йилнинг 1 апрелида 17,8 миллион эркак ва 17,6 миллион аёл, яъни мутаносиб равишда 50,3% эркак ва 49,7% аёл истиқомат қилган.[12] Бундай оптимал мутаносибликнинг ижтимоий-иқтисодий самараси катта, албатта. Чунки мазкур мутаносиблик мамлакатда аёллар ва эркаклар ижтимоий мақомидаги тенгликни сақлаш, аксарият ҳолларда бир жинс вакиллари машғул бўлган барча иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш, эркаклар ва аёллар меҳнати бозорини ривожлантириш, ҳатто оилавий муносабатларни соғломлаштириш ва фарзандлар тарбияси самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ёшлар ва кексалар орасидаги мутаносиблик эса бундай эмас. Гап шундаки, Ўзбекистон - аҳолиси ёш давлатлар қаторига киради. Мамлакатдаги эркакларнинг ўртача ёши 28,3 ёшни, аёлларники эса 29,7 ёшни ташкил қилади.[6] Ўн беш ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 2020 йилда жами 9 миллион 870 минг 276 кишидан, 15-29 ёшдагилар эса 8 миллион 662 минг 220 кишидан иборат бўлган.[4] Кекса кишилар сони (одатда бундай кишилар туркумига 60 ёшдан ошганлар киритилади[9.7]) эса нисбатан кам – 2020 йилда улар 2 миллион 762 минг 497 кишига тенг бўлган.[2] Аҳолининг қариши коэффициентини атиги 8,15% ни ташкил этади.[3] Аҳоли таркибида ёшлар миқдорининг катталиги стратегик аҳамиятга эга. Бу мамлакат истиқболининг ёрқинлигидан далolat беради. Бироқ бундай шароитда мамлакат бюджетидан ижтимоий-маданий, хусусан таълим учун ажратилган маблағлар миқдори муттасил ошиб боради, меҳнатга лаёқатли фуқаролар қарамоғидаги кишилар сони ортади, янги иш ўринлари яратиш зарурияти йил сайин ўсади.

Ўзбекистон аҳолиси таркибининг яна бир хусусияти шундан иборатки, мамлакатда меҳнатга лаёқатли кишилар сони анча катта. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси келтирган маълумотларга қараганда, 2020 йил 1-октябрь ҳолатига кўра, республика доимий аҳолиси сонининг 30,9 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58,4 фоизи меҳнатга лаёқатли аҳоли ва 10,7 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ташкил этади.[11] Бунинг устига, аҳолининг мазкур тоифаси сезиларли суръатлар билан ошиб бормоқда. Бу ҳол, бир томондан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир ўтказса, иккинчи томондан, зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон аҳолисини жойлашувига кўра икки ҳудудга бўлиш мумкин. Биринчиси Тошкентдан ғарброкда ва шимоли-ғарбда жойлашган ҳудудни ўз ичига олади. Бу ҳудудда аҳоли зичлиги даражаси нисбатан пастроқ бўлгани боис аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари катта. Мамлакат мустақилликка эришиб, Совет давридаги чекловлар бартараф этилгач, бундай имкониятлар янада ортди. Аҳоли зичлиги даражаси паст бўлгани боис, айтилик, Қашқадарё ва Сурхондарёда қарийб барча янги оилалар шаклланиши биланок уй-

жой ва участка билан таъминланиш, мустақил рўзғор юритиш имконига эга бўладилар. Натижада бу ерда индивидуал хўжалик юритишнинг турли шакллари йўлга қўйиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Иккинчи ҳудуд Фарғона водийсини ўз ичига олади. Бу ерда аҳоли зичлиги ниҳоятда юқорилиги билан характерланади. Мамлакат ҳудудининг атиги 1 фоизини эгаллайдиган Андижон вилоятида Ўзбекистон аҳолисининг 9 фоизи истиқомат қилади. Ўзбекистон бўйича аҳоли зичлигининг ўртача даражаси 1 кв.км.га 77 кишини ташкил этган бир пайтда вилоятда 1 кв.км.да 741,4 киши истиқомат қилади. Бошқача айтганда, вилоятдаги аҳолининг зичлиги даражаси мамлакат кўрсаткичларидан 9 баробар катта. Қўшни вилоятлар ҳақида ҳам шундай фактларни келтириш мумкин. Масалан, Наманган вилоятида (мамлакат ҳудудининг 1,8 фоизи) республика аҳолисининг 8,3 фоизи, Фарғона вилоятида (мамлакат ҳудудининг 1,5 фоизи) республика аҳолисининг 11 фоизи яшайди.[5] Бу вилоятлардаги демографик вазият билан ер ва сув ресурслари ўртасидаги номутаносиблик иқтисодиётнинг экстенсив тараққиёти имкониятларини камайтиради.

Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг яна бир хусусияти қишлоқ аҳолиси сонининг катталиги билан боғлиқ. Мамлакат аҳолисининг 49,4 фоизи (2021 йилги маълумот) қишлоқ жойларда яшайди.[13] Шу боисдан қишлоқдаги демографик вазиятга дахлдор муаммолар умумдавлат аҳамиятига эга. Масалан, қишлоқ оилаларидаги болалар сони шаҳар оилаларида тарбия топаётган болалар сонидан кўплиги маълум. Шу боисдан қишлоқдаги 100 та меҳнатга лаёқатли киши қарамоғидаги болалар ва ўсмирлар сони шаҳардаги мазкур кўрсаткичдан анча катта. Ваҳоланки, қишлоқдаги меҳнатга лаёқатли кишилар сони билан мавжуд иш ўринлари миқдори ўртасида номутаносиблик ошиб бормоқда. Бу ҳол ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлмоқда, қишлоқ аҳолисини шаҳарга иш излаб боришига (вақтинчалик миграция) ундамоқда. Бинобарин, қишлоқдаги демографик вазиятни яхшилаш, фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмасини янада такомиллаштириш, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳамда чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан таъминланганлигини ошириш зарур бўлади.

#### **Хулоса.**

Мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: мамлакатимиздаги демографик вазият жаҳондаги демографик вазиятнинг айрим жиҳатлари билан фақат Ўзбекистонгагина хос бўлган хусусиятлар синтездан таркиб топади. Хусусан, Марказий Осиёда миқдоран энг катта бўлган Ўзбекистон аҳолиси таркибида аёллар ва эркалар миқдори оптимал мутаносибликка эга, ёшлар мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил қилади, меҳнатга лаёқатли аҳоли салоҳияти анча салмоқли. Мамлакат аҳолиси Тошкентдан ғарбқарда ва шимоли-ғарбда тарқоқроқ жойлашган бўлса, Фарғона водийсида аҳоли зичлиги ниҳоятда юқори кўрсаткични кўрсатади. Бу эса, мамлакатдаги ислохотлар самарадорлигини оширишда демографик омилларга етарлича эътибор қаратиш лозимлигини белгилайди.

#### **Адабиётлар:**

1. Алексеев А. Социально-экономическая география России.- М.:Ла Варяг, 1995.- С. 109.
2. Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши. <http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-5, ISSUE-6

3. Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши. <http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
4. Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши. <http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
5. Аҳолининг зичлиги. <http://www.stat.uz/59-foydali-ma-lumotlar/5859-o-zbekiston-aholisi-3>.
6. Аҳолининг ўртача ёши. <http://www.gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/demografiya-uz/naselenie-uz/1348-2020>
7. Демографический энциклопедический словарь.- М.: Советская энциклопедия, 1989.- С. 409.
8. Народонаселение.Энциклопедический словарь.- М.:Большая российская энциклопедия,1994.- С.104.
9. Пожилое население.// Аргументы и факты.- 2009.- №41.- С.7.
10. Ўзбекистон аҳолиси. <http://www.stat.uz/59-foydali-ma-lumotlar/5859-o-zbekiston-aholisi-3>.
11. Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати. [http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography\\_3-chorak](http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography_3-chorak)
12. Ўзбекистонда эркаклар кўпми ёки аёллар? [http://www.dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekistonda\\_erkaklar\\_kopmi\\_ioki\\_aiollar](http://www.dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekistonda_erkaklar_kopmi_ioki_aiollar).
13. Худудлар бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони. <http://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>